



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 14 » avgust № 375

Toshkent sh.

### **Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ролини янада ошириш ҳамда уларга бу борада кенг имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини (кейинги ўринларда – дастурий-техник воситалар) ўрнатиш ва ишга тушириш муддатини **60 кундан 180 кунга узайтириш;**

дастурий-техник воситалар “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилингандан сўнг уларни ўн кун давомида синов тариқасида ишлатиш;

дастурий-техник воситалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларидан ундирилган жарима суммаси тақсимланишида тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзли даврни **1 йилдан 2 йилга узайтириш;**

тадбиркорлик субъекти аукцион савдосида ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги билдиришномани олган кундан бошлаб **90 кун ичида** объектда дастурий-техник воситаларни ўрнатиш билан боғлиқ бирор-бир ҳаракат (қурилиш-монтаж ишлари)ни амалга оширмаганда, унинг объектга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқини суд тартибида бекор қилиш;

дастурий-техник воситалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарлик ҳолатлари бўйича “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига юборилган маълумотлардаги хатоликларнинг умумий сони **беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этган тақдирда**, тадбиркорлик субъектининг объектга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқини суд тартибида бекор қилиш.

2. Миллий ахборот агентлиги ҳамда Миллий телерадиокомпания Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтларда кенг ёритилишини ташкил этсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “14” августдаги 375 - сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банднинг “а” ва “б” кичик бандлари биринчи хатбошиларидаги “1” рақами “2” рақами билан алмаштирилсин.

2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисидаги низомда (қарорга 1-илова):

а) 2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тизим қурилмалари – тадбиркорлик субъектлари томонидан тизимни шакллантириш учун фойдаланиладиган ҳамда транспорт воситалари томонидан содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни фото ва видео қайд этиш ускунаси, “Г”, “Г”, “Т” ёки “П” шаклдаги металл устун, қайд этилган қоидабузарлик ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўзида сақловчи қурилма, коммутатор, маршрутизатор ва бошқалардан иборат бўлган тармоқ қурилмалари ҳамда электр қуввати билан таъминловчи қурилмалар”;

б) 11-банднинг биринчи хатбошиси “Тадбиркорлик субъектлари томонидан” сўзларидан кейин “ўрнатиладиган” сўзи билан тўлдирилсин;

в) 17-банднинг биринчи хатбошисидаги “ўрнатилгандан” сўзи “Маъмурий амалиёт” КААТга интеграция қилингандан” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Ваколатли орган томонидан билдирилган қуйидаги эътирозлар мазкур Низомнинг 42-бандида кўрсатилган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектларининг объектга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилинишига олиб келади:

тадбиркорлик субъекти аукцион савдосида ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги билдиришномани олган кундан бошлаб 90 кун ичида объектда дастурий-техник воситаларни ўрнатиш билан боғлиқ бирор-бир ҳаракат (қурилиш-монтаж ишлари)ни амалга оширмаганда;

тизимдан бошқа мақсадларда фойдаланганда;

тизимдан фойдаланиш жараёнида ушбу Низом билан тасдиқланган техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолатлар келиб чиққанда;

тизимга ваколатли органнинг рухсатсиз қўшимча ёки бошқа қурилма ўрнатилганда;

тизимда қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилганлик ҳолатлари бўйича “Маъмурий амалиёт” КААТга юборилган маълумотлардаги хатоликларнинг умумий сони беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этганда;

ташқи таъсир натижасида тимиз қурилмаларининг жойлашувида ўзгариш юз бериб, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишига тўсқинлик қилганда.

Қонунчилик ҳужжатларида объектга нисбатан мавжуд бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин”;

д) 47-банднинг олтинчи хатбошисидаги “60” рақами “180” рақами билан алмаштирилсин;

е) 48-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“тадбиркорлик субъекти аукцион савдосида ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги билдиришномани олган кундан бошлаб 90 кун ичида объектда дастурий-техник воситаларни ўрнатиш билан боғлиқ бирор-бир ҳаракат (қурилиш-монтаж ишлари)ни амалга оширмаган тақдирда, уни объектга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқини суд тартибида бекор қилиш чораларини кўриш тўғрисида расмий огоҳлантириш”;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ж) 1-илованинг изоҳ қисмидаги “60” рақами “180” рақами билан алмаштирилсин;

з) 2-иловада:

3-бандда:

биринчи хатбоши “тизим доирасида қуйидаги” сўзлардан кейин “(бир ёки бир нечта)” сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги “(радар)” сўзи чиқариб ташлансин;

8-банднинг учинчи хатбошисидаги “360 градус радиусда, 100” сўзлари “50” рақами билан алмаштирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Тимизни жойлаштириш учун автомобиль йўлининг қатнов қисмига ҳалақит бермайдиган ҳолда, ўнг ёки чап йўналишга “Г”, “Г”, “Т” ёки “П” шаклдаги металл устун ўрнатилади”;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Металл устун ва транспорт воситасининг тўхташ чизиғи оралиғидаги масофа тимиз қурилмаларининг техник хусусиятлари, рельефнинг мураккаблиги ва муҳандислик коммуникациялари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим”;

14-банд “таъминлаш мақсадида” сўзларидан кейин “360 градус радиусдаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Тизимни электр қуввати билан таъминлашга мўлжалланган электр таъминоти қурилмасининг (кейинги ўринларда – электр таъминоти) ерга уланиш контур қаршилиги тизим қурилмаларининг техник талаблари асосида ҳисобланиши лозим”.

